19 (401)

2004 йил 12 май

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Саҳифада

2
- Мерос ортидаги маломатлар...
- Боқимандаликдан безмадингизми. оқсоқол?

3
- "Меҳрибоним, тарбиячи опам..."
- "Алла айтиб беринг, онажон!"

4
- Воҳид отани ким йиғлатди?...
- Кўпайсин муқом тўйга борганда...



ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ КИТОБ ҲОЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқи «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номи билан нашрдан чиқди. Китобни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти кўп минг нусхада чоп этди.

Китобда шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳамда ҳозирги кунда бутун дунёда ташвиш туғдираётган халқаро терроризм ва диний ақидапарастлик, уларнинг аянчли оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Барчага аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир.

Китобда юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, олижаноб мақсад-муддоаларга етиш йўлида бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришишимиз кераклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойиштаталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

/ЎзА/

НУРОНИЙ КЕКСАЛАР — ЮРТ КЎРКИДИР

Юртимизда 9 Май – Хотира ва қадрлаш куни кенг ва қизғин нишонланди. Ўтганларни яхши сўзлар билан хотирлар эканмиз, қалбларимиз бугунги ёруғ кунларга етиш бахтига мушарраф бўлганимиздан фахр ва ифтихорга тўлди. Айниқса, бундай шукроналик туйғуларини уруш даҳшатларини, яқинларидан жудолик заҳматларини бошдан кечирган кексаларимиз намоён этдилар. Уларнинг тақдир мисолида ватанга садоқат, эл-юртга фидолик, фарзандлар камолига масъуллик намуналарини кўрмоқдамиз. Бу фазилатлар ҳар биримиз учун ўрнак ва ибрат бўлгулик. Зеро, нуроний чеҳра кексаларимиз нафақат хонадонларимиз, балки юртимизнинг кўркидир.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ОГОҲЛИККА ЙЎЛдир

Мамлакат мустақил ҳаётининг теран маъносини тарихий илдизларимиздан излаб, уни янгича руҳ билан суғориб ривожлантиришга бош-қош бўлган мамлакатимиз Президенти маҳалланинг ҳаётимиздаги аҳамиятини доимо эътироф этиб келади. Юртимизда март ойининг сўнги кунларидан бошлаб юв берган террорчилик ҳаракати қандай юзага келди, у қандай бартараф этилди, деган саволларга ҳам биз бугун маҳалла, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини ҳис қилмасдан жавоб излашимиз қийин. Зотан, мамлакатимизнинг ҳар бир жойи бир йиғин ҳудудига тегишли ёки ҳар бир фуқаро қайсидир йиғин фуқароси. Демак, бугун фуқаролар йиғини масъулиятидан холи бўлган ютуқ ҳам, камчилик ҳам йўқ.

А.ГАДОЙБОЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси.

Бугун юртимиздаги кўплаб фуқаролар йиғинларини, уларнинг оқсоқол ва фаолларининг номини, мустақилликни мустаҳкамлашдаги фаолиятини фахр билан санаб ўтишимиз мумкин. Лекин биз бундай ижобий ютуқлар билан бирга юртимизда юз бераётган салбий ҳолатлар борлигини ҳам эсга олишимиз, тан олишимиз зарур.

Бухоро вилоятининг Ромитан тумани қишлоқларидан бирида юз берган портлашда асосан ўша шум ниятлиларнинг ўзи қурбон бўлди. Агар улар ўз эҳтиётсизликлари туфайли портлаш қурбонига айланмай, қора ниятлари йўлида бу портловчи ускуналардан тўлиқ фойдаланишга улгуришганида-чи?.. Телевидение орқали воқеалар тафсилоти берилаётганда шу ҳудуддаги маҳалла фаолларининг сўзини эшитдик. Улар шу даражада тайёргарлик ишлари бўлганидан ғафлатда қолганликларидан ўзларини қойишди. Йўқ, биродарлар, фожеа юз берганидан кейин ўзни айбдор ҳисоблаб, кўнгилга таскин бериш — чора эмас, аксинча бу — аслида бундан кейинги фаолиятда ҳам масъулиятдан ўзни олиб қочишдир. Мен умуман террорчилик ҳаракати юзага келган ёки тайёргарлик кўрилган ҳудуддаги ҳар бир мутасаддини, хоҳ у маҳалла оқсоқоли бўлсин, хоҳ у ширкат хўжалиги раҳбари бўлсин, хоҳ у ўқув маскани раҳбари бўлсин юрт, халқ тақдири учун масъулиятда сусткашлик қилганликда айблаган бўлардим. Шунингдек, бу ҳудуддаги фаоллар ва барча фуқароларга ҳам шундай баҳо бериш лозимдир. Тўғри, улар ўз лавозим ва вазифаларини яхши уддалаб келаётгандирлар. Лекин, юртим деб, халқим деб куйиб-ёниб яшаш шиоримизга мос эмас бу фаолият. Агар шундай бўлганда бу фожеаларнинг олди аввалроқ олинган, шу йўлни кўр-кўрона ихтиёр этганлар ҳам балки бу йўлдан қайтган бўлар эди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақда батафсил тўхталиб, бўлиб ўтган воқеликларга етарлича баҳо берди, яна бир бор фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, фаолларига катта ишонч билдирилди. Бугун фуқаролар йиғини деган идора кичик идора эмас. Бу идорада оқсоқол ва котибдан ташқари, ўнлаб посбонлар ва уларнинг сардори, педагог-тарбиячи, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ва ўнлаб бошқа комиссиялар, фаоллар жамулжам. Бир сўз билан айтганда, унинг ваколатлари ҳам бир олам. Бугун маҳалла назаридан четда қоладиган ҳолат йўқ. Агарки, унинг назаридан четда қоладиган воқеа юз берса, бу шу йиғин фаолиятининг қониқарсизлигини билдиради.

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Сайловлар натижасига кўра оқсоқоллар ва унинг маслаҳатчилари таркиби анча янгиланди. Бу янгиланиш уларнинг сифат ўзгаришларида кўринди. Демак, бугунги кундаги маҳалла фаоли билимлилиги, ҳаётий тажрибага эгалиги, дунёқарашининг кенглиги билан аввалгилардан фарқ қилади. Шунга кўра у бугунги воқеликларни етарли даражада баҳолаш қобилиятига ҳам эгадир.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Президентимизнинг Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган XIV сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалда бажаришга қаратилган тадбир-режаларни ишлаб чиқди. Бу режалар жамғарма бўлим ва бўлинмаларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда аҳоли билан янада самаралироқ ишлашини тақозо этади. Энг асосий ишларимиздан бири, ёшлар ўртасида таълим-тарбия жараёнига жиддий ёндошиш эканлигини сезиб турибмиз. Бизнингча, бугун ҳар бир йиғин мутасаддилари фаолиятига чуқур назар ташлаб, йиғиндаги маънавий-маърифий ишлар, ёшлар тарбияси, ижтимоий ҳимоя масалаларига ёндошувнинг янада самарали йўлларини тавсия этиш лозим бўлади.

Маълумки, республикамиздаги барча маҳаллаларда педагог-тарбиячи лавозими жорий этилган. Хўш, бу лавозимда меҳнат қилаётган барча ходимларнинг фаолияти шу куннинг талабига жавоб берадими? Педагог-тарбиячининг талаб даражасидаги фаолияти қандай бўлиши керак? Ана шундай саволлар юзасидан ёндошилганда бу ўриндаги жамғарманинг ва фуқаролар йиғинларининг биргаликдаги вазифалари янада ойдинлашади. Аввало маҳалла педагог-тарбиячиси вазифасига ишчан, таълим-тарбияда, тадбирлар уюштиришда тажрибага бой ходимлар жалб этилиши зарур. Энг асосийси, у оқсоқол, посбонлар, турли комиссиялар билан яқдил бўлиб, бошқа турли давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари билан ҳамкор ишлай олиши керак. Афсуски, педагог-тарбиячи ҳамда маҳалла посбонлари фаолиятида ҳам ана шундай изчиллик доимо ҳам сезилавермайди. Аввало бу лавозимларга лаёқатли кадрларни жалб этиш, уларнинг қизғин фаолиятга киришиши учун услубий кўмаклашув чораларини, хусусан, ўқувларини ўтказиб боришни режалаштирдик. Бу ўринда жамғарма қошида фаолият юритаётган "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги ўқув-услубий марказлар, турли ўқув ва илмий муассасалар билан ҳамкор иш олиб бораяпмиз.

Огоҳликнинг энг ёрқин кўриниши унинг ҳаёт тарзига янада яқинроқ бўлишдир. Қайсики оқсоқол ёки унинг маслаҳатчилари аҳоли ҳаёт тарзидан узоқда қолар экан, бу унинг фаолиятидаги қониқарсиз ҳолатдир. Худди шу жойда аҳолининг ҳам бир-бирига беэътиборлиги бошланади. Бундай ҳолатдан ваҳший ниятли ҳар қандай кимса фойдаланишга уриниб қолади. Сир эмас, мамлакатимиз пойтахти ва унинг атрофида, шунингдек, Бухоро вилоятида юз берган фожеали ҳодисалардан келиб чиқадиган аччиқ сабоқ ҳам шундай.

Бу масалалар ҳақида фикрлаган дамда Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги қуйидаги сўзларини ҳамюртларимизга яна бир бор эслатгим келади:

"Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни "Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон, ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, ака-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ", деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор".

● "Mahalla" хабарлари

РАИСЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Яқинда Тошкент Ислом университетида Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳокими ўринбосарлари, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва бошқа жамоат ташкилотлари раисларининг малакасини ошириш мақсадида қисқа муддатли ўқув курси ташкил этилди.

Унинг очилиш қисмида Тошкент Ислом университети ректори З.Ҳусниддинов ва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Аҳмаджоновалар сўзга чиқиб, иштирокчиларни курснинг мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништирдилар. Ҳозирда 5 гуруҳга бўлиб ўқитиш мўлжалланган ўқувнинг 2-гуруҳ тингловчилари билан машғулотлар олиб борилмоқда.

Иштирокчилар ўқув жараёнида давлат ва диний ташкилотлар ҳамкорлигининг ижтимоий барқарорлиги, дин ва сиёсат, Қуръон оятларидаги диний экстремизм ва терроризмга муносабат, шариатда оила, никоҳ масалалари, фарзанд тарбиясида диннинг ўрни ва аҳамияти каби мавзулар юзасидан ўз билим ва кўникмаларини оширадилар. Шунингдек, улар бугунги кун ҳаётимиздаги диний-маърифий йўналишдаги ислоҳотлар, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда бу борада мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари юзасидан ўзаро фикр алмашадилар. Ўқув курсини тамомлаган тингловчиларга сертификат берилади.

Ф.БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ГУЗАРЛАР

БИР-БИРИДАН ЎЗАРЛАР

Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳаллада фойдаланишга топширилган чойхонага «Тасанно» деб ном қўйилди.

— Чойхона 70-80 мижозга хизмат кўрсатади, шунингдек, бу ерда маданий-маиший тадбирларни ҳам амалга оширишга имкон яратилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фозил Бобомуродов. — Чойхона ишга тушгач, 12 киши иш билан таъминланди. Улар миллий таомлар тайёрлаш билан бир қаторда, шахмат-шашка каби спорт турларини ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшаяптилар.

— Маҳалламизда 17 хил миллат вакиллари истиқомат қилади, — дейди шаҳардаги Маданият маҳалласи оқсоқоли Нормурод Мансуров. — Кейинги йилларда 16 та нонвойхона, 2 та қассобхона, 4 та этиқдўзлик, соатсозлик, 6 та машиналарга техник хизмат кўрсатадиган устахоналар очдик. 10 нафар ёшни касб-ҳунарга ўргатиб, мана шу устахоналарга ишга жалб қилдик.

Маҳалла ҳашар йўли билан гузар қурди. Бу ерда ўнлаб аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган шахобчалар ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган саховатли кишилар ногиронларга, боқувчисиз қолган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқдалар.

— 145 минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳримизда 32 та маҳалла бор, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси Абдусалом Норматов. — Уларда 385 нафар кўча оқсоқоллари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда 19 та маҳалла гузари, 5 та маҳала маркази қурилди. Боғлар, гузарлар барпо этилди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчалари ўз даромадларининг бир қисмини жамғарма ҳисобига ўтказмоқдалар. Бу маблағлар ўз ўрнида Меҳр ва мурувват йилига хос хайрли тадбирлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламига ижтимоий кўмак кўрсатишга сарфланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бир неча кун давомида эл севган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги концерт саройида ўз концерт дастурини намойиш этди.

Томошага кўплаб уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда турли даражадаги эҳтиёжманд оилалар аъзолари ташриф буюрдилар. Улар учун Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бир миллион сўм маблағ ажратган бўлса, бир ярим миллион сўмлик чипталар санъаткор ва концерт ташкилотчиларининг саховати сифатида ҳадя этилди.

МУХБИРИМИЗ.

Обуна-2004

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Газета ўқиб туринг, — дейди.

Тошкент шаҳри

"ҚАДР ТОПГАН ҚАРИЛИК"

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишлаб жойларда турли маърифий-бадиий кечалар, махсус учрашувлар ўтказилди.

Яқинда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида Шайҳонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. "Қадр топган қарилик" деб номланган ушбу маърифий-бадиий кечага Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, қария ва ногироналр таклиф этилиб, улар учун байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир аввалида Тошкент шаҳри Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акрамов сўзга чиқиб, уруш даҳшатларини бошдан кечирган ва жанг майдонларида мардларча жон берган юртдошларимиз хотираси унутилмаслиги ва уларнинг сиймолари авлодлар оша қадр топажагини ишонч билан таъкидлади.

МУХБИРИМИЗ

Қашқадарё вилояти

"МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ, ОДАМЛАР"

Ғузор шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳаллада ўтказилган тадбир шундай номланди. Тадбирда маҳаллада истиқомат қилувчи ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эгамберди Ҳамроев кечани очар экан, йиғилганларга Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилаётган ишлар, маҳалла аҳли ўртасида меҳр-оқибат, хайр-саховат каби туйғуларнинг тобора яхшиланиб бораётганлиги ҳақида алоҳида таъкидлади. Шунингдек, йиғилганлар учун байрам дастурхони ҳам ёзилиб, ош тортилди. Маҳалла ҳаваскорларнинг концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда маҳаллада истиқомат қилувчи 21 нафар ногиронга маҳалла фуқаролар йиғининг совғалари ҳамда 7 минг сўмдан пул маблағлари қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Ғузор тумани бўлинмаси раиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ АЙНИ ВАҚТИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА "MAHALLA"СИЗ ҚОЛМАНГ!

КИЧИК СЕРЖАНТЛАРНИНГ КАТТА ОРЗУЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимизнинг янада такомиллашувида муҳим самара бермоқда.

Тошкент ҳарбий округининг Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида курсантларнинг навбатдаги битирув маросимида шу фикр алоҳида таъкидланди. Тадбирда ҳарбийлар, курсантларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, Тошкент ҳарбий округи қўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант Ғ.Тешаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоев ва бошқалар курсантларни илк ҳарбий унвон ва масъулиятли хизматнинг бошланиши билан қизғин табриклади.

— Мактабимизда Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмалари учун ўнлаб йўналиш бўйича мутахассислар — сержантлар тайёрланади, — деди сержантлар мактаби бошлиғи, полковник Назиржон Саидов. — Сержантликка номзод 25 ёшдан ошмаган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган, барча синовлардан муваффақиятли ўтган бўлиши лозим.

— Олти ой мобайнида кичик командирлик йўналиши бўйича таҳсил олдим, — дейди сержант Азиз Сулаймонқулов. — Амалий ва назарий машғулотларда тажрибали офицерлардан ўрганган билимларни энди амалиётда қўллайман.

— Бугун мен учун унутилмас кун, — дейди Зафар Юнусов. — Шартнома асосида хизмат қилишни, кичик сержант унвонини олишни орзу қилар эдим. Мана, ниятимга етдим. Энди Ватанимга, халқимга садоқат билан хизматни давом эттираман.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ҒУБДИНСОЙЛИКЛАР ОДАТИ

Ғаллаорол тумани Ғубдинсой қишлоғидаги Жуман Ҳотамов ўзи яшайдиган қишлоғига табиий газ келтиришда ташаббускор ва ҳомий бўлган, мактаблар қурган.

Ғубдинсой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шодиёр Қаршиевнинг айтишича, ҳали ҳам бу ҳудудларда мана шундай саховатпеша инсонларнинг издошлари кўплаб топиларкан. «Юксак келажак» савдо фирмаси раиси Муҳаббат Яманқулова бева-бечораларга ёрдам кўрсатаётгани, 100 нафар фермерга 100 та ночор оила биркитиб қўйилгани, «Алишер ибн Ёрқул ота» фермер хўжалигининг раҳбари Анорбой Ёрқуловнинг 4 та оилага ёрдам бераётгани, «Ўзбекистон» номли мактабни таъмирлаш учун 70 минг сўм бергани, Ғаллаорол шаҳрида қурилаётган спорт комплекси, боғ барпо этишга кўмаклашгани, машҳур чавандоз Фарҳод Тоғаев совринга олган «Матиз» машинасини Зомин меҳрибонлик уйига совға қилаётгани ҳақида эшитганимда беихтиёр қалбим фахр ва ифтихор ҳисларига тўлди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Жамғарма фаолиятидан: сарҳисоб — Хоразм вилояти

ЮРАКЛАРДАН ЎРИН ОЛГАН МУРУВВАТ

Рустам ҚУТЛИМУРОДОВ,
Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.



Шукроналар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан воҳамиз йилдан йилга чирой очмоқда. Истиқлолнинг ўтган қисқа даврида Хоразмда мисли кўрилмаган даражада ўсиш-ўзгаришлар бўлди. Бу улуғвор ишларда вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамоаси, маҳаллаларимиз фаоллари ҳам ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда 640 дан ошиқ маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган Обод маҳалла йилида белгиланган тадбирларимизнинг бажарилиши натижасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Умумхалқ ҳашари, ҳисобидан бўлимимизга тушган маблағ турли хайрли ишларга сарфланди. Жумладан, вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги марказий ўйингоҳларни таъмирлаш, маҳаллаларда янги спорт майдончалари барпо этиш учун 54 млн. 500 минг сўм ажратилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилган "Маҳалламиз паҳлавонлари" миллий кураш турнирининг республика босқичида вилоятимиз полвонларидан бир нафари биринчи, уч нафари иккинчи, олти нафари учинчи ўрин соҳиби бўлдилар. "Футболимиз келажаги" турнири бўйича 11-12 ёшли болалар таркибида тузилган Ҳазорасп туманидаги Обшар маҳалласи жамоаси финалда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. "Энг обод маҳалла", "Соғлом оила" республика кўрик-танловларида ҳам муваффақиятли қатнашдик. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Меҳр ва мурувват йилида бундай ютуқларимизни янада кўпайтириш, мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бу борада саховатпеша инсонлар бизнинг энг яқин мададкорларимиз, ҳамкорларимиз. Масалан, Урганч шаҳридаги 20-маҳалла фуқароси тадбиркор Арслон Исмоилов эҳтиёжманд кишиларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан маҳаллада тез-тез хайрия тадбирлари ўтказилиб турилади. Хива шаҳридаги Ичанқалъа маҳалласидан ишбилармон Собиржон Ҳасанов орттирган маблағи ҳисобидан Меҳрибонлик уйидаги етим-есирларни, маҳалласидаги етти нафар қарияни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб келмоқда. Шовот туманидаги Чуқли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси "Дўстлик" ордени нишондори Нормат Тўйлиев, маҳалла фаоли, тадбиркор, "Маҳалла жонкуяри" кўкрак нишони соҳиби Ибодулла Саъдуллаевлар ўз ташаббуслари билан гузар, бозор барпо этишди. Урганчдаги Озодбек ва унинг ўғли Шерзодбек Матрасуловлар бош бўлган "Наргиз" чойхонасида ҳафтанинг ҳар жума куни, мана олти йилдирки мунтазам хайрия оши берилади. Боғотлик Мақсудбек Саидов туманидаги Хуррият маҳалласида яшовчи моддий мададга муҳтож Жуманазар Файзуллаевлар хонадонида бўлиб ўтган никоҳ тўйи харажатларининг асосий қисмини қоплади.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан ҳам қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Урганч шаҳрида яшовчи I-гуруҳ ногирони Темурбек Султоновнинг Россия Федерациясига борибкелиши, шифо топиши учун 1 млн. 100 минг сўм ажратилди. Жамғарма томонидан бундай хайрли, савоб ишларга катта эътибор бериляпти. Вилоят бўйича эҳтиёжманд кишилар аниқланиб, уларнинг даволанишлари, сиҳатгоҳларда соғлиғини мустаҳкамлашлари учун имконият яратилмоқда. Вилоят юрак-қон томирлари клиник касалхонаси ҳисоб рақамига вояга етмаган юраги хаста ёшларни жарроҳлик йўли билан даволанишлари учун 1 млн. 300 минг сўм ўтказилди. 31 нафар ногиронларга бир йўла аравача олиб бериш чоралари кўриляпти.

Маҳаллаларда болалар спортини ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Янгибозор тумани "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳисобидан 310 млн. сўмлик замонавий спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хонқа туманидаги Сарапоён, Ҳазорасп туманидаги Нуҳомон, Урганч туманидаги Қоровул, Хива туманидаги Оқёп қишлоқлари марказларида, Урганч, Хива ва Питнак шаҳарларида ҳам болалар, ёшлар спорт мажмуалари барпо этилди.

Вилоятда маҳаллалараро оилавий спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кирган. Бу борада вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан туманлар, шаҳарлар ҳудудидаги бўш турган бинолар қайта таъмирланиб, спорт залларига, маҳалла гузарларига айлантирилмоқда.

Вилоят Меҳрибонлик уйи, 97-ақли заифлар мактаб-интернати, ногирон болалар боғча-яслиси тарбияланувчилари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун турли байрамлар муносабати билан хайрия тадбирлари ташкил этиляпти.

Ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, муҳтожларга мурувват туйғуси аввало оилада шаклланади. Тадбиримизда оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳам кўзда тутилган. "Маънавият ва маърифат маркази", "Наврўз" халқаро жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлимлари ҳамда вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда "Меҳрли келин, мурувватли куёв" кўрик-танлови, "Қўшни қўшнига", "Табиатга меҳр — инсонга меҳр", "Маҳалламизнинг саховатли инсонлари" каби тадбирлар ҳам изчиллик билан ўтказиляпти. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Маҳаллалар қошида ҳуқуқий маслаҳатхоналар очилиб, аҳолига бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилмоқда. Ички ишлар бўлимлари, суд, прокуратура ходимлари бу борада ёрдамларини аямаяптилар. Улар билан биргаликда "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" мавзусида суҳбатлар, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказиш йўлга қўйилган.

Хайрли ва ибратли ишларимизни амалга оширишда албатта, кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга донишманд отахон-онахонларимизнинг қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, тажрибаларига таянаяпмиз.

Меҳр-мурувват оламни чароғон, ҳаётимизни фаровон қилади. Қадим воҳа аҳли ана шу юксак туйғуни кўнгилларига жо қилиб, уни эзгу ва савоб ишлар билан ифодалаш иштиёқи билан яшаяптилар, меҳнат қиляптилар.

Бир оғиз сўз...

ДЕРАЗАНИ КИМ АЛМАШТИРАДИ?

Баъзи одамларга хос бўлган ушбу иллат ҳақида ёзишга яқинда бир воқеани эшитганим сабаб бўлди.

Кичикроқ йиғилиш бўлмоқда. Расмий қисм тугагач, савол-жавобга ўтилди. Ўрта ёшлардаги бир киши ўрнидан туриб, раислик қилувчига савол берди:

— Қишлоғимизда янги бир дўкон очмоқчи эдик. Жой топдик, деразаси билан эшигининг ўрнини алмаштирса бўлди. Одамлар илтимос қилишди, мен маҳалла оқсоқолиман, шу ишни қачон битказиб берасизлар?

Раислик қилувчи "Хўш, бу ишни ким қилиши керак, ўзингиз айтинг", деб савол берди. "Ким қиларди, давлат қилиб берсин, биз ахир сўраяпмизку", деди савол берган ҳам бўш келмай.

Раис ўрнидан туриб, "Оқсоқол, ахир шу битта эшик билан деразанинг ўрнини алмаштиришга ҳам давлат аралашсинми! Маҳаллада шу иш қўлидан келадиган 3-4 ғайратли одам йўқми?", деди. Савол берган киши елкасини қисиб қўя қолди. Оқсоқол эса оқсоқол деган номга муносиб эмаслигини кўрсатди.

Яшириб нима қилдик, одамларнинг тушунчасини ўзгартириш қийин бўлаяпти. Кўча ифлос бўлса, давлат қараши керак, кимдир танналлиги боис ишламаётган бўлса, боласини давлат боқиши керак. Бир сўз билан айтганда, боқимандалик кайфиятидан чиқиб кета олмаяпмиз.

Фарғона, Бўзсув, Тошкент каналларини халқ кетмон билан қазиб, қоп ва замбил билан тупроғини юқорига ташиган. Ҳозир қишлоққа, одамларнинг томорқасига келадиган ариқни тозалаш ҳам сансалор бўлиб қолди. Ҳамма бир-бирини кутиб туради.

Боқимандалик — бу иллат. У инсонни дангасаликка, меҳнатдан қочишга ўргатадиган иллат. Фарзандларимизни "тайёрга-айёр" қилиб тарбиялашнинг оқибати ҳам шу иллатга олиб келади.

Боқимандалик ҳеч кимни боқмаган, қорнини тўйғизмаган. Тўғри, бизга халақит берадиган ҳолатлар ҳам бор. Аммо... Электр ёки газ пулини ўз вақтида тўламай, ўчириб қўйишганда бу раҳбарлар, бу давлат қаёққа қараяпти ўзи, деб жиғибийрон бўлишдан олдин шу пулни топиб, ҳақини тўлаб қўйишни ҳам унутмайлик-да.

Ҳаммасининг чегараси бор, ахир. Ётиб ейиш учун туриб меҳнат қилиш керак, ишбилармонликнинг асоси — ишдан қочмаслиқдир.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Катта Қани маҳалласининг Акмал Икромов туманидаги энг обод ва илғор маҳаллалардан бирига айланишида унинг оқсоқоли Обиджон Ҳамидовнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Маҳалла ҳудудида 45 сотихли майдонга у маҳалла идораси, «Оталар чойхонаси» ва бошқа маиший бинолар қуриш ташаббуси билан чиқди ва бунга эришди ҳам. Бу ишда асосий сарф-харажат ҳам унинг шахсий маблағи ва ҳашар ҳисобидан бўлди. Шунингдек, маҳалланинг Карим Назаров, Абдукарим Фаттоҳов, Фурқат Маҳкамов, Фатҳулла Ваҳобов, Карим Раимов каби фаоллари унга маслакдош бўлдилар. Оқсоқол бир пайтлар шу маҳалла ишида катта жонбозлик кўрсатган отаси Ҳамид Ҳакимовга муносиб издош бўлганини айни кунда маҳалланинг ҳар фуқароси эътироф этмоқда.

***СУРАТДА:** маҳалла идораси учун қурилган янги бино ва унинг очилишига бағишланган тадбирдан лавҳа.*

МАҲАЛЛАГА ФИДОЙИ ЭДИ...

Ражаб Ашуров ўзининг таъбири билан айтганда, "маҳалла учун яшаётган одам" эди.

— Ражабни болалигидан яхши биламан. У ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ жамоат ишларида фаол иштироки билан тенгқурларидан яққол ажралиб турарди, — дейди Кармана туманидаги Талқоқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳикмат Ҳамроев. Ражаб ёрдам сўраб келган, эшигини бирор-бир илинж билан қоққан кишиларни ҳеч қачон ноумид қайтарган эмас. У ҳақиқий маънода одамлар учун, элу юрт учун яшаб, меҳнат қилаётган инсон эди.

Маҳалламиз аҳли, фаоллари унинг хотирасига бағишлаб тадбирлар ўтказиш, элу юртимизнинг тақдири учун куюнчак Ражаб Ашуровнинг номини ёдга олиш инсоний бурчимиз, деган хулосага келдик.

Ражаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди. Кўни-қўшнилари, маҳалла аҳли, фақиру мискинларга ёрдам беришни асло унутмади. Маҳалласи кўҳна Кармана тумани ободончилиги учун катта ишлар қилди.

Ражаб Ашуровнинг меҳнатлари эвазига қад ростлаган Кармананинг кўркига кўрк қўшган қатор чойхоналар, дўконлар ҳақиқий маънода халққа хизмат қилмоқда. "Ислом бобо" чойхонаси эса маҳалла кексаларининг энг севимли масканига айланган эди. Ражаб ака бу ерга тез-тез қарияларни таклиф қилиб, меҳмон қилиб турар, нуронийларнинг дуосини оларди.

Маҳаллада ўтказиладиган барча тадбирларда, маросиму маъракаларда Ражаб ака "биздан нима хизмат", дея ҳозиру нозир бўлиб турарди.

Афсуски, айни навқирон ёшида бешафқат ўлим уни ҳаётдан олиб кетди.

Дилшод ИСЛОМОВ

"Mahalla" дарсхонаси

ИСТЕЪМОЛЧИ, ҲУҚУҚИНГИЗНИНГ БИРИНЧИ ҲИМОЯЧИСИ КИМ?..

"Товар(иш, хизмат)ларнинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи, ёки тайёрловчи томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлган-бўлмаганидан қатъий назар қопланиши лозим".

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексидан

Тасаввур қилиб кўринг, сиз сотув дўконидан ёки савдо растасидан эҳтиёжингиз учун зарур бўлган маҳсулотни сотиб олдингиз. Уйга боргач эса олган товарингизнинг сифатсизлиги ва ундан фойдаланиб бўлмаслиги маълум бўлади. Агар маҳсулот арзимас баҳода бўлса, кўрган зарарингизга қўл силтаб кўя қоласиз, бироқ у қимматбаҳо ёхуд сифати ҳаётингиз, соғлиғингиз учун хавф туғдирса-чи? Хўш, бундай ҳолларда нима қилиш лозим? Умуман маҳсулот сифатсизлиги оқибатида кўрган зарарингизни қоплаш мумкинми?

Албатта, чунки истеъмолчи ўзига сифатсиз товар сотилиши, иш, хизмат кўрсатилиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Фуқароларнинг бу ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ, минг афсуски, бу борадаги ишларимизда ҳамон оқсаш ҳоллари сезилади. Бундай ҳолатнинг дастлабки сабабчилари — истеъмолчиларнинг ўзлари. Чунки улар биринчидан истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонундан хабардор эмас, иккинчидан, баъзи фуқаролар ўз манфаатларининг ҳимоя қилинишига шубҳаланишади. Бироқ, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг кўпайиб бораётганлиги сабабли истеъмолчилар маҳсулот танлашда янглишмаслиги ва бунинг учун эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари лозим. Шуни унутмайлик, истеъмолчи ҳуқуқининг дастлабки ҳимоячиси — бу истеъмолчининг ўзи.

Шу боис, истеъмолчи қачон ва қаерда бўлмасин ўзи сотиб олаётган маҳсулотнинг сифатини текшириб кўриши, ундан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумот сўраши ҳамда уларнинг сифатига шубҳа туғилса, мувофиқлик сертификатини талаб қилиши, сотувчи эса мазкур ҳужжатларни истеъмолчига тақдим этиши шарт. Товарни сотиб олиш чоғида харидор сотувчидан албатта товар ёки касса чеки беришни талаб қилиши лозим. Зеро, Қонунда белгиланганидек, "товарни касса ёки товар чеки бермасдан сотиш тақиқланади." Касса ёки товар чеки сизга сифатсиз товар натижасида етказилган зарарни қоплашда асосий далил бўлиб ҳизмат қилади.

Агар сиз товарнинг сифатсизлигидан азият чексангиз, аввало товарнинг нуқсони ва етказилган зарар ҳақида далолатнома тузиш керак. Далолатнома товар сифатсизлигининг фақат ташқи белгилари бўйича тузилади. Далолатномани тузаётганда бир неча гувоҳлар иштироки лозим бўлади. Шундан сўнг, сотувчини ёзма равишда хабардор қилиш лозим. Бу истеъмолчи талабномаси шаклида амалга оширилади. Талабномада талаблар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчига қўйилади. Ҳар иккала субъект ҳам талабномани олишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Товар кимдан олинган бўлса, ўша тадбиркорлик субъектига жўнатилади. Қонунга кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ўзининг номи, шакли ва манзили ҳамда ишлаш тартиби ҳақида истеъмолчига маълумот бериши шарт. Талабномада уни ёзаётган шахснинг тўлиқ исми-шарифи, манзили, воқеанинг қисқача мазмуни ва қўйиладиган талаби кўрсатиб ўтилади. Агар сотувчининг айбини тасдиқловчи бирон-бир манбага эга бўлсангиз, уларни ҳам кўрсатиб ўтишни унутманг.

Талабнома охирида сотувчига ушбу талабларни бажаришнинг оқилона муддати кўрсатилиши (бу муддат 2 кундан 2 ойгача бўлиши мумкин) ва агар ушбу муддат ичида сизнинг талабларингиз бажарилмаса, судга моддий ва маънавий зарарни ундириш учун мурожаат қилишингизни таъкидлаб ўтинг.

Талабнома, албатта икки нусхада ёзилиши ва аниқ муддати кўрсатилган ҳолда имзоланиши шарт. Унинг бир нусхаси сотувчига (ишлаб чиқарувчига) топширилиши ва иккинчи нусхасига эса қабул қилиб олинганлиги ҳақида олган шахснинг исми, фамилияси, аниқ вақт ва имзо қўйилган ҳолда тасдиқланиши шарт. Агар сотувчи ушбу талабномани қабул қилиб олишдан бош тортса, талабнома унинг манзилига буюртма хат орқали жўнатилиши керак. Агарда жавобгар талабномада кўрсатилган талабларни бажармаса ёки бажаришга киришмаса, сиз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш ва бунинг натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ даъволар юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига кўра давлат божи олинмайди.

Азизбек ҚУРБОНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси.

Оила... уй-жой... муроса...

ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Шу тафсилотларни ёзишга жазм қилдиму, яна иккиландим. Тўғрироғи, аввалига аёллик, оналик ғурурим йўл қўймади... Ҳаммасига қўл силтаб кетсам, ўтмишимга қайрилиб қарамасам ҳам бўлади. Лекин бунинг иложисини қила олмадим. Чунки ортимда қолган менинг ҳаётим, уни кесиб ташлаб бўлмайди, ундан кечиб бўлмайди. Унга бир хулоса, ижобий якун ясагим келди.

Ҳа, ўнта болали эркакка турмушга чиққан аёлман. 20 йил шу оилада яшадим, фарзандли бўлдим, эримнинг болаларига оналик қилдим. Эрим ўлгач эса менга бу ҳовлида жой йўқ, дейишди ўша болалар...

Тақдир менинг қисматимга ўгай оналикни битган экан. Ўттиз тўрт ёшимда И.Исмоилов деган одамга турмушга чиқдим. Оила қурмасимиздан аввал, у менга рафиқаси вафот этгани, ундан уч фарзанди борлигини айтганди. Ўқиш, илм билан бўлиб шахсий ҳаётимни вақтида ўйламаганим боис, ёшим ҳам анча ўтиб қолганлиги, бундан кейин фақат шундай одамлар менга муносиб бўлишини тан олиб, унга турмушга чиқишга, болаларига чин кўнгилдан оналик қилишга рози бўлдим. Аммо тўйдан кейин билсам, унинг ўн нафар фарзанди бор экан. Эшитиб йиғлашимни ҳам, кулишимни ҳам билмай қолдим. Фарзандларининг учтаси уйли-жойли бўлган, қолган еттитаси эса ҳали ёш, энг кичиги 6 ёшда эди. Наилож, орқага йўл йўқ, тақдиримда шу бор эканда, деб бунга кўндим. Эрим билан оз эмас, кўп эмас, 20 йил бирга яшадик. Фарзандларни биргаликда тарбияладик, ўқитдик, ҳаммасини биргаликда уйли-жойли қилдик. Иложи борича уларга оналик муҳаббатини бердим. Эримнинг онасига қарадим. Яратган эгам ака-опаларинг қаторига ўзимга ҳам фарзанд ато этди. Ҳаммамиз тинч-тотув яшардик. Аммо бу яхши кунлар ҳам мен учун омонат экан. 1999 йилда эрим оламдан ўтди. Шундагина фарзандлар менинг ўгай оналигимни эслаб қолишди. Буни менга ҳам бот-бот эслатадиган бўлишди. Мени турмуш ўртоғим билан биргаликда яшаган Шайхонтоҳур тумани Исломобод маҳалласи Амангелди 2-тор кўчаси (ҳозирги Юсуфжон Ибрагимов номли) 20-уйдан чиқариб юборишни пайида бўлишди. Бунинг учун шаънимга маломатлар ёғдиришди. Бу ҳам етмагандек, ўзларига яқин кишиларни менга қарши қилиб қўйдилар. Бу ўйда ўғлим билан ўзимни ортиқчадек ҳис қила бошладик. Фарзандлар ота-онасининг меросига эгалик қилиш мақсадида бизни ҳайдашарди. Уларга қараб "Наҳотки мерос учун инсоннинг энг азиз фазилати — инсонийликдан чиқиб кетиш мумкин бўлса", дея ҳайратланардим.. Тўғри, фарзандлар ота-онасининг мулкига эгалик қилишлари керак. Бу — уларнинг фуқаролик, фарзандлик ҳуқуқлари. Аммо менчи, шу отанинг ўғли, болаларнинг кенжа укаси — фарзандим-чи? Марҳум эрим билан 20 йил қонуний никоҳда яшадим. Шу фарзандларининг вояга етишларига, ҳаётда ўз ўринларини топишларига озми-кўпми меҳнатим сингди. Уларни ўз боламдек билиб, шу ҳовлини умрим охиригача маскан деб ўйладим. Аммо булар болаларни қизиқтирмасди. Уйда тинимсиз жанжаллар, таҳқирлашлар мени ҳолдан тойдирди. Бир неча маротаба Исломобод маҳалласи фуқаролари йиғини оқсоқолига, участка инспекторига мурожаат қилдим. Афсуски, улар ҳам ёшларга оналик қадр-қиммати муқаддаслиги, унинг ҳурматини жойига қўйиш лозимлигини ўргатиш, насиҳат қилишни ўрнига қўя олишмади. Ахир мен бу ерга вақтинча яшаш учун эмас, эрим учун турмуш ўртоқ, болаларга она сифатида бир умрга келгандим-ку.

Болалар менга "отамизнинг мулкига учиб, унга тегиб олгансан", дея маломатлар қилишарди. Қайси аёл мулкка учиб (ўртаҳол, яшардик), ўзининг йигирма йиллик умрини қурбон қилади?... Қайси аёл мулк учун қўрқмасдан ўн нафар фарзанди бор хонадонга эгалик қилишга ўзида куч топа олади? Мен эримнинг ўзимдан аввал оламдан ўтишини йигирма йил олдин билармидим-ки, унинг мулкига ҳавас қилсам. Қазонинг вақти-соатини билгувчи — Аллоҳ, бандаси эмас. Қолаверса, ҳеч бир кимса ўзига буюрилганидан ортиғига эгалик қила олмайди.

Фарзандлар билан можаромиз салкам уч йил давом этди. Судлашдик. Фуқаролар ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди иш олиб борди. Болалар бу ишни ўзларининг фойдасига ҳал қилиш учун ҳар қандай ҳаракатдан қайтмадилар. Асабларнинг зўриқиши орқали касалликка чалиндим. Ҳаммасини ташлаб ўғлимни олиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Аммо шу уйда ўтган умримнинг энг қаймоғини, кучга тўлган пайтимни шу болаларнинг тарбияси, ош-овқати, кир-чирига бағишлаб, энди кучдан қолганимда, салкам олтмишни қоралаганимда бу ердан кетишнинг ўзи ҳам мантиқсизликдан бошқа нарса бўлмасди. Ахир шу уйда туғилган фарзандим бор. У шу гўшани уйим деб англаган. Мен унга, бўйи етган йигитга қандай тушунтираман бу кетишни. Суд ишни кўриб чиқиб, шу хонадондан мен турган хоналарни мен ва ўғлимга ажратди. Лекин бу билан жанжал тугамади, муаммо барҳам топмади. Болаларни суд қарори қониқтирмади, улар апеляцияга беришди. Апеляция жараёнида менга қанча беришса — (боламнинг — уларнинг укасининг ҳақи) мен рози бўлдим. Ўгай фарзандларим қонун олдида ожизлигини сезгач, маълум миқдордаги пул таклиф қилиб, йигирма йил эрим билан яшаган уйимдан, менга бир ҳафта ичида чиқиб кетишимга шарт қўйишди. Ўзимнинг ота меросим орқали олинган квартирага чиқиб кетдик. Ўгай болаларим мерос учун талашиб, ҳатто укасини ҳам ўйлашмади. Марҳум оталарининг бу ҳолатда бўлишини тасаввур қилишмади. Улар бу ердан чиқиб кетганимга жуда қувондилар. Жанжаллар, тазйиқлардан ва ниҳоят халос бўлдим. Бу хонадондан орттирганим ўгай фарзандларимнинг тавқи-лаънатлари, бир олам нафрат эди.

Инсоннинг қадри, ғурури, шаъни нима билан ўлчанади?! Буюм биланми, ҳар кимдан қоладиган, ҳеч кимга вафо қилмаган бойлик биланми?! Наҳотки, ҳаётимизнинг мазмуни шу бўлса, умримизнинг мезони шу бўлса? Бу саволларга, бу сўровларга ким жавоб беради, менинг айбим нима? Онасиз болаларга оналик қилиб, бошини силаганимми?

Дунё — чархпалак, айланаверади. Бировга бемеҳрлик қилсанг, дилозор бўлсанг, эртага сенга ҳам шундай муносабатда бўладилар. Мана шу ҳаёт фалсафасини ўгай фарзандларим эсларида тутсалар бас. Бошқаларга ҳам менинг ҳаётим сабоқ бўлар, деган умиддаман.

Гулсара МИРСАГАТОВА

"Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман" танловига

"БАҒРИҒА БИР МАРТА БОССАЙДИ, ОНАМ..."

— Айни вақтда тарбиямизда 53 бола бор, — дейди Қарши шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори, республика халқ маорифи аълочиси Гулсарахон Раҳмонова. — Уларнинг 3 нафаригина чин етим болалар. 28 боланинг онаси, 16 тасининг оталари бор.

Баъзан шундай ҳолатга дуч келасанки, қайси сўқмоқдан юришингни билмайсан, бировга арзигулик маслаҳат беришга ожиз бўлиб қоласан. Ўйламай айтган биргина сўзинг уни ўкситиши, тақдирига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас.

Суҳбатдошларим опа-сингил Нигора, Хуснора, Озодаларнинг нигоҳларига ўксиниш билан боқаман. Қарашлари зийрак, ўқишлари ҳам ёмон эмас. Қорнилари тўқ, эгнилари бут. Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйида ҳамма нарса етарли. Аммо диллари ўксик. Оналари тирик, бироқ уларнинг ҳолидан бирор марта ҳам хабар олмайди.

— Оталаринг келадими? — минг истиҳола билан сўраймиз Нигорадан.

— Бир, бир ярим йилда келиб кетадилар.

— Келганларидан келмаганлари дурустроқ, — лаблари пичирлайди Хусноранинг.

— Нега, қизим?

— Қачон келмасинлар, маст ҳолда бўладилар. Ўртоқларимиз олдида уяламиз.

Уларга оталарини қораловчи сўз айтиш "дард устига чипқон"лигини ҳис этаман. Нима бўлса ҳам, дардини янгиламайдиган, имкон қадар юпатадиган сўзлар излайман, бисотимдан. Топгандек бўламан, лабларида табассум кўраман.

15 ёшли Нигора жуда истеъдодли, турли касбларга қизиқади. Тикувчи ва сартарошликни яхшигина ўрганиб олган. Шеърлар ҳам машқ қилади. "Онамни кўришни истамайман", дейди у. Бу унинг юрагидаги алам тугёни. Аслидачи?... Қанийди, ҳозир унинг ҳузурида онаси бўлса, севиб бағрига босса, пешонасидан, юзларидан тўйиб-тўйиб ўпса. Қизгинанинг дилидан буни англаб олиш қийин эмас. Бўлмаса шеърларининг аксарияти онаси ҳақида бўлармиди? Мана бу сатрларга боқинг:

Энагам мақтаманг, меҳри зиёни,
Боласин севган у меҳригиёни,
Бағишлар эдим мен ёруғ дунёни,
Бир марта бағрига боссайди онам...

Демишлар: "Аёлнинг топгани ҳам фарзанди, топинадигани ҳам фарзанди". Фарзандига озор етказадиган ҳар қандай нарсани аёл душманлик деб қарашга тайёр! Бу ҳақ гап. Аммо ана шу душманликни биров эмас, уларнинг ўзлари болаларига раво кўрсаларчи?! Ҳа, афсус ва минг бор надоматлар бўлсинки, онда-сонда бўлса ҳам ана шундай телба ва бетайин оналар учраб турибди.

— Айни вақтда тарбиямизда 53 бола бор, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, республика халқ маорифи аълочиси Гулсарахон Раҳмонова. — Уларнинг 3 нафаригина чин етим болалар. 28 боланинг онаси, 16 тасининг оталари бор.

Ольга Кимни спорт залида, берилиб машқ қилаётган пайтда учратдик. Унинг сўзларидан ўзини спортга бағишлагани сезилиб турибди. Энг севгани — таэквандо.

Ольга онасини билмайди. Уни чақалоқлигида Китоб туманидаги гўдаклар уйига топширишган (ташлаб кетилган дейишга тилимиз бормади). Кейинроқ, икки ярим яшарлигида бу ерга келтирилди. Ҳозир 7-синфда. Жуда қобилиятли, ўқишлари аъло.

Ака-сингил Санжар билан Нилуфар ҳам она алласини эшитишмаган, унинг иссиқ бағридан баҳраманд бўлишмаган. Кўз очиб кўришгани — Меҳрибонлик уйи.

Олимлару файласуфларимиз она ва болалар ҳақида нималар дейишмаган дейсиз. "Фарзанд ҳиди — жаннат ҳидидир", "Ўғил билан қизинг, — бамисоли икки кўзинг". Орамизда ана шу ҳикматларни англамаган, фарзанд ҳидини ҳис этмаган, икки "кўзи мажруҳ" оналар борлигидан афсусланасан одам.

Болалар нега етим қолишаяпти, ахир қиёмат қоим, очарчилик даври эмаску? Саволимга тарбиячи Мукаррама Муқимованинг далилларидан бир қадар жавоб топгандек бўламан.

— Биласизми, кўпчилик болалар ота-оналарнинг ўзаро тил тополмаслиги касофатига қолишаяпти. Бола ўртада сарсон-саргардон, узоқ қариндошлар ёки тамоман бегоналар қўлида қолади. Кўп ўтмай, Меҳрибонлик уйига тушади. Яна икки касофат, икки балои азим болаларнинг тирик етим бўлишига кўпроқ сабаб бўлаяпти. Буларнинг бири ичкиликбозлик бўлса, иккинчиси гиёҳвандликдир.

Тарбияланувчилар орасидан ака-ука Ҳамза, Эркин, Тоҳирлар бор. Акалари тўққиз, укалари 5-7 ёшда. Ақлли-ҳушли, одобли болалар. Ота-оналари ажралиб кетишган. Ўғай ота: "Мени десанг, болаларингни йўқот" деса, ўғай она: "Бировнинг боласини кўзимга кўрсатма" дейди. Ўз-ўзидан маълум, бундай болалар Меҳрибонлик уйидан нажот топишади. Баъзи оналардан "Нега болаларингиздан вақти-вақти билан хабар олмайсиз?", деб сўраганимизда "эрим қўймаса, қайга борай", деб жавоб қайтаришади. Бу мутлақо нотўғри. Қалбида болаларига жиндек илиқлик туйғуси бўлган она ҳар қандай шароитда ҳам боласи ҳолидан хабар олишга вақт ҳам, имкон ҳам топа олади.

Болаларнинг кўпчилиги — 3-5 ёшдаги гўдақлар. Ҳали улар дунёнинг англаб бўлмас ишлари, одамларнинг бунчалик ношукурлиги, нима боис бу ерга келиб қолганликларини ҳис этишдан йироқда. Турли ўйинлар билан машғул. Қизлардан бири қўғирчоғи Лолани ухлатиш учун алла айтаётган бўлса, ўғил болалардан айримлари осмонда "самолётда парвоз қилиш", яна бирови "тоғ йўлидан машинасини эҳтиёткорона бошқариш", чеккада ёлғиз ўтириб олган болақай эса расм чизиш билан овора.

Бола шахси фақат жамоада тўла ва ҳар томонлама ривожланади. Меҳрибонлик уйида жажжи ўғил-қизларнинг руҳий оламига кириб боришга интиладиган, ҳар қандай ўгит, ахлоқ, покиза туйғуларни улар онгига моҳирлик билан сингдирадиган З.Галиева, М.Хурамова, Қ.Севарова, Ш.Исматова сингари тажрибали мураббийлар хизмат қилишади. Болаларнинг севимли онасига айланган Зилфира опанинг бу ерда ишлаётганига 30 йилдан ошди.

Сир эмас, бу ерда бола тарбияси учун баъзи бир оилалардагига қараганда яхшироқ, қулайроқ шарт-шароит яратилган. Озиқ-овқатда камчилик йўқ. Ҳаммаёқ саранжом-сариштa. Мусиқа, спорт заллари, компьютер, маърифат, ҳамширалар хоналари, кутубхона, тасвирий санъат, каштачилик, тикувчилик, рассомлик тўгаракларида машғулотларни билимли, энг муҳими болалар қалбига йўл топа оладиган тажрибали мутахассислар олиб боришади. Турли шаҳарларга уюштириладиган саёҳатлар болаларга катта завқ-шавқ бағишлайди.

Икки йилдирки, Меҳрибонлик уйини "Қашқадарёматлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти оталиққа олган. Улар болаларни ўз фарзандларидек сийлашади. Зарур кийим-кечаклар, турли формалар, ўқув қуроллари, дори-дармонлар, асбоб-анжомлар билан ўз вақтида таъминлашади. "Дамас" автомашинаси болалар хизматида.

Меҳр ва мурувват йилида вилоят ҳокимлиги болаларни янада хушнуд этди. Меҳрибонлик уйи учун шаҳар марказидаги икки қаватли бино ажратилди. Уни таъмирлашни, зарур бўлган қўшимча бинолар қуришни "Косонёғ" ҳамда "Қаршиёғ" ташкилотлари ўз зиммаларига олишди.

Ўзбеклар — болажон халқ, "ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа", деб ҳар бирини ўзгача меҳр билан суюшади. Илгарилари меҳрибонлик уйларида бўлганимизда, асосан, бошқа миллат болаларини учратардик. Ҳозирчи? Меҳрибонлик уйидаги 53 боланинг 46 нафари — ўзбек фарзандлари.

Яхши биламан, Меҳрибонлик уйига 1941 йил — қирғинбарот уруш айни қизиган пайтларда — асос солинган. Ўтган давр мобайнида унинг манзили, номи, тарбиявий усуллари, хусусияти, тарбияланувчилар таркиби ҳам тубдан ўзгарди. Сўнгги йилларда 3-15 ёшлилар тарбияланмоқда. Бу ерда тарбияланганлар орасидан ўнлаб давлат арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, турли касб эгалари етишиб чиқиб, республикамиз ривожига бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар. Аньана давом этади. Бугунги жажжи ўғил-қизлар ўсиб-улғайиб, келажакда Президентимиз айтганидек: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Иншооллоҳ, шундай бўлади.

Қашқадарё вилояти

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Тошкент шаҳри

САРХУМДОНЛИК МАРДУ МАЙДОНЛАРНИ ЁД ЭТИБ...

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида Шайхонтоҳур туманидаги Сархумдон маҳалласида тантаналли тадбир бўлиб ўтди. Унга маҳалланинг 250 дан ортиқ кекса авлод вакиллари таклиф этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар жанг майдонларида жасорат кўрсатган юртдошларимиз, маҳалладошлари хотирасини ёдга олдилар. Тадбирда фахрийларга совғалар топширилди.

Суратда: **сархумдонлик уруш фахрийларини қутлаш пайти.**

Сурхондарё вилояти

БЎЛИНМА — МЕҲРИБОН

Олтинсой тумани Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасига раис этиб сайланганига кўп бўлмаган эса-да, Зиёдулло Очилов анча хайрли ишларни амалга оширишга улгурди. У ишга саховатпеша кишиларни жалб этди.

Тумандаги фермер ҳамда ширкат хўжаликлари, ташкилот, корхона раҳбарлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатди. Умумхалқ ҳашарларидан жамғарма ҳисобига тушган маблағлар аниқ мақсадларга сарф қилинди.

Бибизайнаб маҳалласи фуқароси Холнисо Абдурахмонованинг Тошкент шаҳридаги тиббиёт марказларидан бирида даволаниши, Янги турмуш маҳалласи фуқароси Гулсара Исмоиловага ногирон икки фарзандини даволатиш учун жамғарма томонидан маблағ ажратилди. Гулчечак маҳалласидан Балхин Пардаева, Низомиддин Холиқулов, Қорлиқ маҳалласидан Балхин Шокирова, Маданият маҳалласидан Муҳаббат Абдиева, Янги қурилиш маҳалласидан Зубайда Бобоназаровалар ҳам ана шундай мурувватдан баҳраманд бўлдилар. Ҳа, биргина ушбу эзгу ишга Меҳр ва мурувват йилида жамғарма томонидан қарийб 1 миллион сўм маблағ сарф қилинган бўлса, ногиронлар аравачалари хариди учун 1,5 миллион сўм ўтказилди.

Туманда болалар спорти ривожланиб бормоқда. Маҳаллалар ёшлари орасида футбол, волейбол, шахмат-шашка ҳамда оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди. Ғолибларни рағбатлантиришга 267 минг сўм пул сарфланди. Тумандаги мактабларга умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ ҳисобидан 1 миллион 125 минг сўмлик спорт анжомлари, кийим-кечаклар тортиқ этилди.

Зиёдулло аканинг ўзи асли дала меҳнатчиси, ҳосилот эмасми, қаерда, қайси вазифада ишлаган бўлса, ўша ерда боғ яратган, ноз-неъмат етиштирган. Ҳозир ҳам бу ишнинг ташаббускори. Маҳалла оқсоқолларини ободончиликка, тозалик ва озодаликка, кўчатлар экишга даъват этади. Жобу, Янгиобод, Қарсаган, Дуоба, Марказ маҳаллаларидаги саранжон-сариштaлик, кўркам боғ-роғлар, гулзорлар ана шундай ташаббус меваси. Тумандаги тўққизта қишлоқ йиғинидаги қирқ саккизта маҳаллада ҳам бундай хуш манзараларни кўриш мумкин.

Айниқса, «Оқ олтин» ширкат хўжалигида бўлган кишининг баҳри дили очилади. Хўжалик раҳбари Абдуғаффор Мўминов Зиёдулло Очилов билан ҳамфикр, маслакдош. Ўтган йили йигирма тўрт миллион сўм маблағ қишлоқ ободончилигига, меҳр-саховат тадбирларига сарфланди. Қарсаган, Миршоди, Янгиариқ, Шохча маҳаллаларидаги ички йўллардан саккиз километрига шағал ётқизилди. Янгиобод маҳалласида уч километр йўлга асфальт бостирилди. Газ қувурлари бир километрга узайтирилди. Қарсаган маҳалласида табиий зангори олов ёқаётган хонадонлар сони юзтага кўпайди.

Болалар спортини ривожлантиришга 1 миллион 233 минг сўм маблағ йўналтирилган. 9-сонли ўрта мактабнинг спорт залини таъмирлашга 1,5 миллион сўм сарфланди. Миршоди маҳалласидаги ёзги клуб кураш, бокс майдончаларига мослаштирилиб бошдан оёқ қайта таъмирланди. Қўш қаватли бўш бинолардан тўрттасига Миршоди, Янгиариқ, Шохча, Қарсаган маҳалла фуқаролар йиғини идоралари жойлашди. 5-сонли мактабга 250 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш ишларига кетган маблағ хўжалик зиммасига тушди. Бетоб одамлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизларга меҳр-мурувват кўрсатишга сарфланган маблағ 11 миллион 300 минг сўмдан ошди.

Хўжалик меҳнатчиларини шифо масканларига, санаторийларга йўллаш, табаррук қадамжоларга зиёрат сафарларини ташкил этиш учун 1 миллион 500 минг сўм ажратилди.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: Жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Зиёдулло ОЧИЛОВ (чапда) Марказ маҳалласи котиби О.АБИЛОВ билан.

Ўзбекистон Республикаси банклари Ассоциациясининг Универсал биржа Маркази ва унинг ҳудудий филиалларида 2004 йил апрель ойида сотилган кўчмас мулк объектларининг савдо якунлари.

№	Объектининг номи ва тавсифи	Бошлангич бахоси (минг.сум) бир донаси	Сотилиш бахоси (минг.сум) бир донаси	Сотилган санаси	1кв.м.нг сотилиш бахоси
	Тошкент шаҳар				
1	АТП-10	71500	71500	20.04.04	9
2	Омборхона биноси(2шт.) и ошхона	20000	20000	23.04.04	20
3	Павильон	563,4	580	30.04.04	12,3
	Бухоро вилоят				
1	Савдо пештахтаси	80,0	100,0	01.04.04	16,7
2	Савдо дукон	1 600,0	1 700,0	01.04.04	64
3	Савдо пештахтаси	100,0	150,0	02.04.04	25
4	Савдо пештахтаси	600,0	650,0	06.04.04	108,3
5	Савдо пештахтаси	150,0	200,0	06.04.04	33,3
6	Савдо дукон	500,0	510,0	06.04.04	14,7
7	Савдо пештахтаси	600,0	660,0	13.04.04	110
8	Савдо пештахтаси	70,0	100,0	13.04.04	16,7
9	Савдо пештахтаси	300,0	400,0	13.04.04	66,7
10	Савдо майдони(12 дона)	832,3	3 400,0	13.04.04	226,7
11	Савдо пештахтаси	250,0	300,0	15.04.04	50
12	Иссиккона	2 000,0	2 010,0	15.04.04	0,1
13	Савдо пештахтаси(3 дона)	600,0	650,0	15.04.04	108,3
14	Савдо пештахтаси	70,0	100,0	15.04.04	16,7
15	Савдо пештахтаси	800,0	850,0	15.04.04	141,7
16	Ошхона	700,0	730,0	15.04.04	12,4
17	Нурихона	300,0	330,0	15.04.04	5,5
18	Иссиккона	2 000,0	2 500,0	15.04.04	1
19	Мъамурий бино	25 000,0	30 000,0	15.04.04	54
20	Савдо дукон	5 000,0	5 010,0	15.04.04	33,1
21	Савдо пештахтаси	5 000,0	5 010,0	15.04.04	835
22	Курилиш тугалланмаган бино	300,0	310,0	20.04.04	1,5
23	Курилиш тугалланмаган бино	90,0	100,0	20.04.04	0,7
24	Консерва цехи	2 000,0	2 500,0	20.04.04	0,1
25	Савдо дукон	1 500,0	1 510,0	20.04.04	33,6
26	Савдо дукон	500,0	510,0	20.04.04	8,5
27	Газ.павильони	750,0	810,0	20.04.04	24
28	Савдо дукон	400,0	600,0	21.04.04	61,2
29	Савдо дукон	400,0	700,0	21.04.04	71,4
30	Савдо дукон	400,0	510,0	21.04.04	52
31	Савдо дукон	400,0	900,0	21.04.04	92
32	Савдо дукон	400,0	850,0	21.04.04	86,7
33	Савдо дукон	400,0	400,0	21.04.04	40,8
34	Савдо дукон	800,0	850,0	21.04.04	28,3
35	Савдо дукон	250,0	280,0	21.04.04	31,1
36	Курилиш тугалланмаган бино	2 500,0	4 000,0	21.04.04	7,1
37	Савдо дукон	2 000,0	2 200,0	21.04.04	36,7
38	Бино ва иншоотлар	2 000,0	2 100,0	27.04.04	0,6
39	Бино ва иншоотлар	1 600,0	1 700,0	27.04.04	5,9
40	Бино ва иншоотлар	5 000,0	5 050,0	27.04.04	1,4
41	Бино ва иншоотлар	350,0	400,0	27.04.04	0,04
42	Савдо дукон	1 200,0	1 250,0	27.04.04	2,4
43	Курилиш тугалланмаган бино	900,0	1 000,0	27.04.04	1
44	Савдо дукон	500,0	600,0	27.04.04	5,5
45	Савдо дукон	2 000,0	2 010,0	27.04.04	27,9
46	Савдо дукон	600,0	610,0	27.04.04	4,1
47	Савдо дукон	2 600,0	2 700,0	30.04.04	25,7
48	Савдо дукон	800,0	850,0	30.04.04	9,8
49	Савдо дукон	600,0	650,0	30.04.04	5,4
50	Савдо дукон	200,0	250,0	30.04.04	3,7
51	Савдо дукон	2 900,0	3 000,0	30.04.04	12
	Наманган вилоят				
1	Савдо ва и\ч корхонаси биноси	10500	10665	06.04.04	52,3
2	Ошхона ва хамом биноси	1401,5	1450	02.04.04	10,5
3	Соатсозлик устахона биноси	70	100	02.02.04	16,7
4	"Ойкирон"кинокурилмаси	2000	2005	15.04.04	1
5	Савдо дукони	1100	1200	15.04.04	9,3
6	Савдо дукони	1000	1250	16.04.04	12,3
7	Мъамурий бино ва омборхона	950	1200	27.04.04	11,2
	Самарканд				
1	Курилиш тугалланмаган бино	9000	9000	02.04.04	7,4
2	Хуж. моллар дукони биноси	4500	4500	08.04.04	13,5
3	Омборхона биноси	735	735	07.04.04	4
4	Дукон биноси	650	650	16.04.04	6,3
5	12 савдо дукон биноси	600	600	09.04.04	3,2
6	1 сон дукон биноси	300	320	16.04.04	5,3
7	Омборхона жихозлари билан	39000	39000	16.04.04	1,6
8	Чучкахона биноси бир кисми	2885	2885	16.04.04	3,1
9	3-Савдо дукон биноси	347	450	23.04.04	16,4
10	Савдо дукони омборхонаси билан	2150	2155	23.04.04	12,6
11	Савдо дукон	3000	3000	23.04.04	20,3
12	Савдо дукони омборхонаси билан	1500	1500	23.04.04	13,3
13	Супермаркет биноси(ер майдонсиз)	7 500,0	7500,0	28.04.04	12,7

Шунингдек, кўчар мулк объектларининг савдо якунлари **«M.R»**

№	Объектининг номи ва тавсифи	Бошлангич бахоси (минг.сум) бир донаси	Сотилиш бахоси (минг.сум) бир донаси	Сотилган санаси
	Тошкент шаҳар			
1	Универсал платформалар (24 дона)	9907.4	10000	09.04.04
2	Асосий воситалари	21 000,0	21 200,0	15.04.04
3	"Висман Хоп" музлаигич камераси	4 836,5	4 850,0	23.04.04
4	Метални кайти ишлаш дастгохи 16К20	605,7	650,0	02.04.04
5	Метални кайти ишлаш дастгохи М64	346,1	350,0	02.04.04
6	Фуфайка (515 дона)	206,0	206,0	16.04.04
7	Енилги саклаш цистернаси (20куб. м.)	341,6	400,0	20.04.04
8	Тикув жихозлари (9 дона)	16145,0	16 200,0	15.04.04
8	Платформа(1 дона) ва вагонлар(20дона)	612029,9	612029,9	29.04.04
	Наманган			
1	Сартарошхона (будка)	300	305	27.04.04

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
"O'ZBEKISTON BANKLARI ASSOTSIATSIYASINING UNIVERSAL BIRJA MARKAZI"
сизларни биржа савдоларига таклиф этади.
Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба, чоршанба, пайшанба, жума кунлари соат 15:00дан 16:00гача ягона электрон савдолари орқали қуйидаги объектлар биржа савдоларида сотилади.

Т/р	Объект номи	Объект манзили	Техник Характеристикаси	Бошлангич нархи минг.сум	Ким томонидан савдога қуйилган
1	Бино	Гулистон ш., 3-мавзе, Курувчилар кўч., 53-уй	2398,84 м²	20 592 600	Асака Банк Сирдарё филиали
2	КДП-2 кисми	Ташкент ш. Хамза тумани, Строителная кучаси 29.	Бино кисми	984 984 150	«ТАШ ДСК-2» банкрот
3	Маданият уйи	Ташкент ш. Хамза тумани, Строителная кучаси 29.	бино	33 696 243	«ТАШ ДСК-2» банкрот
4	Полистирол цех биноси	Ташкент ш. Хамза тумани, Строителная кучаси 29.	бино	9 989 000	«ТАШ ДСК-2» банкрот
5	Спорт майдони	Ташкент ш. Хамза тумани, Строителная кучаси 29.	4000 м²	559 329	«ТАШ ДСК-2» банкрот
6	Компрессор ПР-10\8м (носоз)	Тошкент вилояти, Ангрен шахри, Навои -1	1дона	37 300	Ангрен шахар суд ижрочилари
7	Кран-балка г\п 3тн	Тошкент вилояти, Ангрен шахри, Навои -1	1 дона	512 030	Ангрен шахар суд ижрочилари
8	ОАЖ «УКМ» хар –хил турдаги метални кайта ишловчи дастгохлар	Тошкент ш. Яккасарой тум. Бобур кўч, 73 – уй	32 дона	3 452 420	Яккасарой туман суд ижрочилари
9	«Хасанбой» кафеси ва ишлаб чикариш асбоб ускуналари	Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Хасанбой кишлоги	400 м²	11 032 919	«ZAMIN» банк
10	«Висман Хоп» музлаттич камераси	Тошкент ш. Яккасарой туман, Нукус кучаси, 2 -уй	Германияда ишлаб чикарилган, 1 комплект	4 836 546	Яккасарой туман суд ижрочилари
11	"Кундуз» ОТАЖ мол –мулклари	Тошкент ш., Шайхонтохур тум., Шомахмудов кўч, 128 уй.	Умумий	259 443 400	«Кундуз» ОТАЖ
12	Омборхона ва стоккона бинолари	Тошкент ш., Сергели тумани, Олтин водий, 29 уй	Умумий	59 315 890	«733 QURILISH MONTAJ POEZDI» ОТАЖ
13	Хар –хил турдаги метални кайта ишловчи дастгохлар	Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мирзимов тор кучаси, 2-уй.	5 дона	731 338	М.Улугбек туман суд ижрочилари.
14	Кучланишни бошкарув (Регулятор напрожения). И 59\22-У фаз 160Квт, 380В	Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Хужаев кучаси, 1 «а» уй.	40 дона (1 дона =15 000 000	600 000 000	ДП «PALLADUM SERVIS»
15	Профилактория биноси	Тошкент ш., Хамза тумани, Строительная 1.		28 493 000	«ТАШДСК 1» ОТАЖ
16	Уй –жой (ховли)	Тошкент вилояти, Тошкент тумани. Узбекистон к\х , Шокиржонова 1	800 кв.м	125 00 000	АТ «Турон-банк»
17	Ферма биноси	Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Янгибош к.ф.й.	10 га	42 588 534	АТ «Турон-банк»
18	«Текемак» мол-мулклари	Тошкент ш, Сергели тумани, Спутник 7\9		9 890 170	Сергели туман суд ижрочилари
19	Ферма биноси ва мол мулклари	Тошкент вил., Куйи Чирчик тумани, Верхний ж\х, 6\II уй	4591,34 кв.м	28 740 000	Уз.Рес. Таш. Икт. Миллий банки
20	Курилиш ашёлари (плитопокрытия, плита, колонна со станками)	Тошкент ш., Собир Рахимов тумани, Широк кучаси 100	44 дона	1 443 530	Собир Рахимов туман суд ижрочилари
21	Бино (ЗКПД-1, ХРУМ, СУ-26	Тошкент ш., Хамза тумани, Строительная кучаси 1.	Компл.	1 073 550 000	«ТашДСК-1» ОТАЖ
22	Маъмурий бино	Тошкент ш., Чилонзор туман, 10 мавзе, 32 «а» уй	510 кв.м	33 056 000	«ТашДСК-1» ОТАЖ
23	УОР-3 базаси	Тошкент ш., Миррбод тумани, Эски-Отчопар -3	9329 кв.м	40 932 000	«ТашДСК-1» ОТАЖ
24	УОР-3 базаси	Тошкент ш., Чилонзор тумани, Арнасай кучаси 3 «а» уй	Компл.	45 913 000	«ТашДСК-1» ОТАЖ
25	Козонхона	Тошкент ш., Хамза тумани, Строительная кучаси 1.	Компл.	147 050 000	«ТашДСК-1» ОТАЖ
26	Омборхона	Тошкент вил., Чирчик шахри, Боз-су станцияси.	5000 кв.м	95 000 000	МЧЖ « Чирчиксавдо»
27	Ер майдони мол-мулклари билан	Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Абай кучаси,	30000 кв.м	73 440 000	ИП «Роз трейдинг Л.Т.Д»
28	Омборхона	Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Уйгур кучаси 209	125 кв.м	400 000	«Тошкент гушт сут Савдо» ОАЖ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93

Олам турфа

ЎҚИБ БЎЛГАЧ, ЕЙИШИНГИЗ МУМКИН

Японияниг нашриёт фирмаларидан бири ғаройиб китоб чиқара бошлади. Бу китоб варақлари ширин хамирдан ясалган бўлиб, унда бадиий, тўғрироғи, саргузашт асарлар чоп этилади ва худди китобга ўхшатиб муқоваланади. Китоб 3-7 бетдан иборат рисола шаклида чиқади (асарнинг давоми кейинги китобда бўлади).

Уни босишда босмахона бўёғи ўрнида махсус таом қоришмаси ишлатилади. Унинг мазаси ширин-таҳирроқ бўлиб, организм учун зарарсиздир. Қоришма таркиби ҳозирча сир тутилмоқда.

Бундай адабиётнинг биринчи туркуми 79 минг нусхада нашр этилган ва ўша заҳоти сотиб тугатилган. Энди китобхонлар иккинчи ва кейинги китобларни ҳам тез чоп этишларини талаб этишмоқда. Қизиғи шундаки, китобхонлар китобни ўқиб бўлгач, овқат ўрнида ейишлари мумкин.

ПЛАСТМАССА ГАЗЕТА

Францияниг Гавр шаҳрида ажойиб газета чиқади. У қоғозга эмас, балки пластмассага босилади.

У «Говвос овози» деб номланади ва сув остида ишловчиларга мўлжалланган. Демак, говвослар ҳам қуруқликдаги янгиликлардан хабардор бўлиб туришади.

ҚОРОНҒИДА ҲАМ ЎҚИШ МУМКИН

Ҳозирги Вақтда ҳар бир ота-она ҳам кичкинтойини тезроқ ухлатиш учун алла айтмайди ёки эртак айтиб бермайди.

Шунга қарамай америкалик бир гуруҳ мутахассислар болаларни ухлатишнинг яна бир йўлини топишди. Калифорниядаги «Рандом хаус» нашриёти қоронғида ўқиш мумкин бўлган эртак китобларни нашр этди. «Қоронғида ҳам кўзга ташланувчи ўрдак» номли биринчи китобчада ўрдак ва кичик ўрдакчалар саргузаштлари ҳикоя қилинади. У шу даражада оммалашиб кетдики, дўкон пештахталарида унинг ўрнига юлдузлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Тунги осмон» номли иккинчи китобча пайдо бўлди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, саҳифаларга ёруғлик берувчи хом ашёнинг киши соғлиғига зарари йўқ экан.

М.ЛАТИПОВА тайёрлади.

А.ҲАЙИТМЕТОВ

ШАЙХ АБУ БАКР ҲИКОЯСИ

Алишер Навоий буюк шоир ва олим бўлиш билан бирга ажойиб ҳикоянавис ҳам эди. Унинг "Хамса" достонларидаги ҳикоялари, айниқса "Лисонут-тайр"да турли воқеа ва ҳодисалар муносабати билан қушлар номидан келтирган шеърий ҳикояларри ўзининг мазмуни, ҳаётийлиги, қизиқарли баён услуби билан ҳар қандай китобхонни ўзига мафтун этади, десам муболаға бўлмас.

Навоий "Лисонут-тайр"даги Шайх Абу Бакр Нишопурий исмли улуғ бир тасаввуф раҳнамоси ҳақидаги ҳикоясида оддий, лекин ғоят қизиқарли бир мавзуга қўл урган. Унинг ёзишича, нишопурлик Абу Бакр ўз даврининг номи чиққан, энг боорбў дин пешвоси ва мутасаввифларидан бўлиб, кунларнинг бирида у бирон-бир обод масканда сайр қилиб, дам олиш учун йўлга чиқади. Унга ҳамроҳлик қилиб, хизматига шайланган кишиларнинг, олийнасаб амалдорлар, домла ва эшонлар, қолаверса шогирдларнинг сон-саноғи йўқ эди. Шайх Абу Бакр эса кажавада виқор билан ўлтириб, теварак-атрофни томоша қилиб борар экан, кузатиб борувчилар орасида бир неча номдор одамларни ҳам кўради. Шу зумда уни шайтон йўлдан оздириб, ўзига ортиқча баҳо беради. Ўз улуғ салафлари руҳи олдида ўзини катта олиши Аллоҳга ҳам хуш келмай, бунинг жазосига олдидан бир эшак ҳанграб чиқиб, уни масхара қилгандай бўлади ва "Ногаҳон орқасидан қаттиқ ел" чиқариб ҳам юборади. Шайх бундан бениҳоя хижолатга қолади. Шу билан бирга ўзини овутиш, оломон олдида айбини беркитиш учун нима қилишини билмай "жазава билан рақсга туша" бошлайди ва охир-оқибатда ўзидан кетиб ерга йиқилади.

Шайх ўзига келгач, яқин кишилари, хусусан, муридлари унинг бошига йиғилиб, ундан ҳол-аҳвол сўрар эканлар, бунга у шундай жавоб беради:

— Эй, бу аҳволим сиррини билишга интилганлар! Менга шум нафсим ҳужум қилиб, атрофимдаги барча кишиларни ўзимга тобеъ одамлар деб ўйладим. Кўнглимга келдики, кишиларга тўғри йўлни кўрсатиб, барча толиблар ва солиҳларга мадад берувчилардан на Жунайд,* на Шиблий,* на Боязид,* на Убайд,* на Нурий,* ва на Абу Саид* — улардан қайси бирлари мендек обру-эътибор қозониб, фақр (тасаввуф) йўлида менчалик кўп одамлар гуруҳига бош бўлган экан?!

Нафс менинг кўнглимга шундай васваса хаёлни солган маҳалда ўша эшак менга хунук қилиқлари билан тўғри жавоб берди. Мен ундан тегишли жавобни топдим. Завқшавққа берилиб ўйнашим, ўзимдан кетишимнинг боиси ҳам ана шу эшак эди.

Шайх Абу Бакр шу йўл билан кишилар олдида ўзини хижолатдан қутқаради. У ўз хатосини англаш билан чекланмай, кейинчалик ўз табиати ва маънавиятидаги бошқа камчилик ва нуқсонларидан фориғ бўлиб, ростгўйлик ва ҳалоллик орқали тасаввуф йўлида бундан ҳам юксак чўққиларга эришадики, Навоий ҳикоя охирида уни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади:

Йўқса ҳар мағрур, дуни булҳавас
Бу бийик давлатқа топмас дастрас.

Навоий ўз ҳикоясида маънавий ҳаётида катта хатоликка йўл қўйгани боис, халқ олдида шарманда бўлган Шайхнинг ўз хатосини тўғри англаб, уни қандай тузатганини ёркин тасвирлаб бера олган.

Бу ҳикояни, ҳеч шубҳасиз, фақат Навоийнинг эмас, умуман, Шарқ ҳикоячилигининг энг гўзал намуналаридан бири деб баҳолаш мумкин.

* Улуғ мутасаввифларнинг номлари (Муаллиф — А.Ҳ.)

Ҳикоя

КЎНГИЛ

Отанинг ҳеч ким билан гаплашгиси йўқ, кўнгли тинчликни қўмсайди. Унга қолса, шу тобда уни ёлғиз қўйишса, ўтган ҳаётини, кампирини эсласа, ёлғиз ўғли Олимнинг, невараларининг тақдирини ўйласа...

Карнай-сурнай овози тинди.

— Қани, ота, — деди ўрта ёшли қўшниси Воҳид отага, — куёв болага бир фотиҳа беринг.

Тўй пастда, тўққиз қаватли уйнинг ҳовлисида бўлаётган эди. Воҳид ота эса шу "дом"нинг бешинчи қаватидаги каталакдек бир хонада касал ётарди.

Отанинг ҳеч ким билан гаплашгиси йўқ, кўнгли тинчликни қўмсайди. Унга қолса, шу тобда уни ёлғиз қўйишса, ўтган ҳаётини, кампирини эсга олса, ёлғиз ўғли Олимнинг, невараларининг тақдирини ўйласа...

...У пайтлар ота тўқимачилик комбинатида ишларди. Сменадан чиқиб, тупроқ супада бироз мизғиб оларди. Аёли Мавлуда унга парвона бўларди. Кечга яқин эру хотин бозорга бир аравача юк тайёрлаб улгуришарди. Кейин эрта тонгда туриб, бозорга йўл солишар, одамлар ишдан қайтар маҳалгача "Кеп қолинг, барра ошкўкка, паловхонтўрага босадиган саримсоқдан олинг", деб савдо қилишарди.

Қирқ йил шундай яшашдиёв. Бу орада Худо берган беш қизни узатди ва бир ўғилни уйлантирди. Шу деҳқончилигидан ўғлига машина олиб берди. Рўзғори бут, дастурхони тўкин эди.

Бир куни пак-пакана, бўйинбоғи тиззасига етиб қолган ялтироқ бош киши папка қўлтиқлаб, уйига кириб келди.

— Бу ердан катта кўча ўтади, — деди у томоқ қириб. — Нима қиласиз, участка солишга ер берайликми ёки "дом" оласизми?

Воҳид ота жилмайди:

— Участкани нима қиламиз, иморат солишнинг ўзи бўладими. Бунинг устига бир ўғлим бўлса. Кўпчилик "дом"га чиқаяпти. Бизгаям "дом"-да. Қариган чоғимизда ётамиз мазза қилиб. Қишда иссиқ, ёзда деразаларига парда тутса, салқин. Бир жўмрагини бурасанг иссиқ, бошқасини бурасанг совуқ сув тушади. Роҳатижон-ку, роҳатижон".

Шундай қилиб, тўққиз қаватли уйга кўчиб келишди.

Ўғли Олим бир эмас, уч ўғилли бўлди. Ўзи ёлғиз эди, мана энди болалари отасини, бир-бирини суяйди, деб хурсанд бўлди ота.

Йиллар ўтиб, бирин-кетин уч ўғлоннинг овози дўриллаб, мўйлаби сабза урди. Каттаси қизларга қараб-қараб қўядиган бўлиб қолди.

Отанинг бир куёви қурилишда ишларди. У қайниси, яъни Олимга бир куни маслаҳат солди:

— Бу болалар етилиб қолишаяпти. Ҳадеб, топганингни еб-ичиб юравермагин-да, бир парча ер олгин. Қурилишга мен ёрдам берай. Бошпана қуриб ол.

— Э, — деди Олим қўл силтаб. — Ҳозир иморат солиш осонми? Ҳали болаларни уйлантиргунимизча қанча вақт бор. Бир гап бўлар.

Ҳар гал шундай таклифга шу каби жавоб бўларди. Ўзи эса ошна-оғайниларини қуюқ-қуюқ меҳмон қилар, шунга яраша меҳмон ҳам бўларди.

Йиллар сувдек оқиб ўтди. Олим тўнғич ўғлини уйлайдиган бўлди. Бу орада Воҳид ота болдиридаги ярани операция қилдирди, беш-ўн кун ётгач, юқорироғидан яна бир яра чиқди. Азоб кучайди. Куннинг иссиғидан баттар азият чекар, "Эҳ, ўша пайтда бир парча ер олиб, кулба қуриб олганимдаям бунақа бўлмасди", деб афсусланди.

Воҳид отага ҳаммадан азоб бергани — бир йилча олдин кампирининг вафот этгани эди. "Бу дунёдан аввал эркак кетсин эканда!", дея тез-тез уҳ тортарди у.

Шундай қилиб, тўй яқинлашганда келинни қаерга туширамиз, деган савол кўндаланг бўлди. Воҳид ота кампири билан уч хонада, Олим эса тўрт хонада турарди. Кампир вафот этганидан сўнг, табиийки, Воҳид ота ёлғиз қояди. Бунинг устига ҳозирги ёш келин-куёвлар алоҳида туришни хоҳлашади. Қариндошлар кенгашиб, Воҳид отани Олимнинг хонадонига кўчириб, келинни эса уч хонали уйга тушираднган бўлишди. Бироқ, бунга Воҳид ота кўнмади. Негаки, шунча йил бу уйда кампири билан бирга яшаган. Ҳар бурчагида кампирининг ҳиди бор. Буёғи, ўғлининг квартирасига тиқилиб нима қилади? Кексайганда гоҳо кўнгил ёлғизликни тусайди.

Дастлаб, бу таклифга қаттиқ қарши бўлса-да, тўй яқинлашгани сари кўнгли ҳижил бўлаверди: "Бугун борман, эртага ўлиб кетсам одамлар мана, чол уйни орқалаб кетолмади-ку, ўша пайтда тинчгина бўшатиб берганида ўғлига ҳам, неварасига ҳам қийин бўлмасди, дейишади". Шу хаёллар уни кўп азоблади ва охири қариндошлар таклифига кўнди.

Азамат куёвжўралар бир пиёла чой совигунча, чолнинг ёғоч сандиғидан тортиб, эски кароватигача ўғлининг уйига кўчириб ташлади. Кампиримдан айрилгандим, мана энди у билан соғомон яшаган, яхши кунларимдан хотира бўлган уйдан ҳам айрилдим, деб пиқ-пиқ йиғлади чол...

...Ҳамон карнай-сурнай овози эшитилар, ўйин-кулги авжига чиқаётган, ёш йигитлар ўйинга тушиб кетган эдилар. Отанинг бирдан кўнгли ёришиб кетди, дарди қочгандек бўлди. Болалари, невараларига ҳаваси келиб, бир зум хаёлга толди.

— Ота, — деди бояги киши. — Энди ёшларни бир дуо қилинг.

У сергакланди.

— Омин, — деди қадоқ кафтларини бир-бирига текизиб. — Илойим, икки ёш бахтли бўлишсин, ували-жували бўлишсин, қўша қаришсин!

Буёғига нима деди, билмади, кўзларига ёш қуйилди.

Севинч ёшими ёки алам, ўзиям тушунолмай қолди.

Ҳар ҳолда ўзини қушдек енгил ҳис қилди.

Абдусаттор ҲАТАМОВ



МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Иродали бўлиш билан бир қаторда турли вазиятларда ўзингизни тўғри бошқара олишингиз сизга муваффақият келтиради.

СИГИР (22.04-20.05)
Яқин кунларда сизга билдириладиган мақтовлар ва фойдали таклифларга танқид кўзи билан қарашга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Келаси чорашанбагача молиявий муаммоларни бартараф этишга беҳуда куч сарфлагунча уларни кейинроққа қолдирган маъқулроқ.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Атрофдагиларга ён босишни истамасангиз, иш жойингизда ҳам, оилада ҳам кўнгилхираликлар содир бўлишига сабабчи бўлиб қоласиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Иш фаолиятингизда турли хийла-найрангдардан фойдаланманг, акс ҳолда қийинчилик билан эришган обрўингиздан айрилиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Дўст кўрингани билани сизга юрагидан қайғурмайдиган кишиларнинг сўзига учиб, катта молиявий зарар кўришингиз мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни пайтдаги чалкаш вазиятдан чиқиб кетиш йўлида саъй-ҳаракатларингиз зое кетиши мумкин. Воқеаларни тезлаштиришга уринманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Бордию сизга тухмат ва таҳдид қилишга журъат қилувчилар топилиб қолса, ўзингизни босиқ ва қатъиятли тутинг. Шунда улар чекинадилар.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Молиявий муаммоларни ҳал этиш баробарида совуққон кайфиятингизни иложи борича узоқроқ сақлашга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Таъсир кучи салмоқли кишилар сизга қарши бўлиб қолсаларда, ўзингиз ҳимоя қилаётган нуқтаи назардан чекинманг. Шунда улар сизга ён босадилар.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ўз вақтида керакли маълумотга эга бўлиш қандай яхши натижаларни келтириши мумкинлигини шу кунларда ўз ҳаётингизда синаб кўрасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни кунларда сизга кўндаланг турган кўплаб муаммоларни бартараф этишда сизга яқинларингиз ва бахтли тасодиф кўмакка келади.

Маҳалла ҳангомалари

Янгисидан бор...

— Азизим, — деб хитоб қилибди таътилдан қайтган эр. — Бу дунёда сендан бошқа ҳеч нарсам қолмади...

— Вой шўрим! Нима бало? Автомобилинг мажақ бўлдими?

* * *

Қорни жуда очган меҳмон уй эгасининг ўғлидан секингина сўради:

— Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?

— Ўзимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон бўлса, у кетгунча сабр қиламиз.

"КЎПАЙСИН МУҚОМ"

Ота-она не-не орзулар билан ўғилларига Кўпайсин деб исм қўйишганди. Ўшанда фаришталар омин деган эканми, ёлғиз фарзанд ўсиб, улғайиб, бир этак ўғил-қизли бўлди. Баъзан ҳатто, отанинг ўзи ҳам болаларининг номларини адаштириб юради.

Ношукурчилик бўлмасину, ўн уч фарзанд билан ади-бади айтишишнинг ўзи бўлмайди, айниқса, шу замонда. Ҳаммаси "берсанг ейман, урсанг ўламан" деб турса. Бунинг устига бозор иқтисодиёти, нархнаволар осмонда.

Бечора Кўпайсин фарзандларим зориқмасин деб ўзини ўтга-чўққа уради. Барибир бандасининг айтгани бўлмас экан.

Энди не азоблар билан биргина тўнғичини уйлади. Тўйида бир туппа-тузук йигит "ўғиллари кўпайсин, иккинчи "пахтакор" командасини яратишсин", деса бўладими? Яхши ният эмиш. Кўпайсиннинг суяклари зирқираб кетди ўшанда. Ҳе, яхши ниятинг билан... Астағфируллоҳ! Ҳолидан ўтганни, ёнидан ўтма. Қомати келишган бинойидек одам унинг кўзига балодек кўринди шу топда.

Тунов куни уста Қодир Кўпайсинга маслаҳат солди:

— Озроқ чакана иш топдим, қалай, юрак урадими?

— Қандай иш экан ўзи, якани дурустроқми?

— Туяни ҳаммомга олиб бориш эмас, албатта. Ҳамишагидек сувоқ-бўёқда. Соққасини борганда гаплашамиз.

Қарийб бир ой ишдан кейин ярим кечагача чаканага қатнаб, ҳолдан тойишди усталар. Хонадон соҳиби уларнинг пухта-пишиқ, ҳалол, покиза ишларидан хурсанд бўлди ва ҳисоб-китоб қиладиган кун дурустгина ҳақ берди. Зиёфат ҳам қуюқ бўлди. "Мўйсафид"ни ой-йилда оғзига оладиган Кўпайсиннинг кайфи тароқ бўлди.

Йўлда Кўпайсиннинг димоғи чоғлигини кўрган маҳалладошлар кўчанинг шундоққина муйилишидаги ҳовлида бўладиган никоҳ тўйига таклиф қилишди. "Эртага якшанба, борсам бора қолай" деб Кўпайсин уларга эргашди.

Тўй роса қизиди. Дастурхон тўкин, спиртли ичимликлар сероб. Тўй қилмиш анча олдин тайёргарлик кўрганда, ҳозир йўл бўлсин бундай дастурхон безашга. Айниқса, марказдан келган ашулачию, раққосалар кечани роса қизитишди.

Эртасига Кўпайсин бошига икки ботмонли тош осилгандек ҳолатда уйғонди. Уйга қачон, қай аҳволда, ким билан келганлигини эслашга уринди. Йўқ, бўлмади. Хотиннинг дийдиёсидан қочиб қутилиш мақсадида судралиб ташқарига чиқди ва ноилож оёқни судраб чойхона томон юрди.

Йўлда қўшни кўчадаги Исмоилга дуч келди. Исмоил ҳеч қачон унинг мушугини пишт демаган бўлса ҳам, негадир уни сира жини ёқтирмайди. Бузуқ хотинларга ўхшаб тиржайганча, силкиниб-силкиниб гапиришини кўришга тоқати йўқ. Илоннинг ёмон кўргани ялпиз эмишу, доимо ини олдида ўсармиш. "Эрта тонгда унинг пешонаси шу касофатга урилмаса, нима қиларди? Ҳозир ингичка гавдасини товлаб, нимадир деб сасийди", кўнглидан ўтказди Кўпайсин. Худди ўйлаганидек бўлди.

— Уста Кўпайсин, — деди куйдирилган калладек тиржайиб, — кеча роса ташладингиз-да, товусдек товланиб, марказдан келган лапарчи ҳам сизнинг олдингизда ип эшолмади-я. Пулни ҳам нуқул икки юз, беш юзлигини тармаштирдингиз-а, анойи эмас экансиз, қойил...

Кўпайсин унга сездирмасдан секин шимининг орқа чўнтагини сийпалади. Теп-текис. Бир ойдан ортиқ меҳнат қилиб топилган эллик минг сўм асфаласофинга...

Пул аччиғи, жон аччиғи эмасми, аламидан ҳолдан кетиб, юраги орқага тортиб, кичик томирчаси узилгандек бўлди. Хонадонларнинг бири олдида ўрнатилган курсида беҳол ўтириб қолди. "Эҳ, каллаварам, эҳ ҳолини билмаган нодон..."

Ҳаммасидан ҳам тенгдошлари ўртасида "Кўпайсин муқом" деган лақаб орттиргани алам қилади. Бу воқеага анча йиллар ўтган бўлса ҳам, ҳамон уни тенгдошлари шундай деб чақиришади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

ОРОЛ ҚИРҒОҚЛАРИДА БАЛИҚЛАР

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Юртимизнинг жанубий қисмидан оқиб ўтувчи Амударёнинг Орол денгизига келиб қуйилаётган суви сўнгги пайтларда сезиларли даражада кўпайганлиги эътироф этилмоқда. Шу боис, бундан икки йил муқаддам денгизнинг шўрхок қуриқликка айланган қирғоқларига қайтадан сув келди. Натижада бу ҳудудда балиқчиликни ривожлантириш имкони туғилди.

"Амударё" масъулияти чекланган жамияти бундай имкониятдан унумли фойдаланмоқда. Ўтган йилда жамият овчилари денгиздан 300 центнер балиқ тутишган бўлса, ҳозиргача бу кўрсаткич 1000 центнерга етди.

СУРАТДА: **Жамият балиқ овчиси Бўронбой АБДИМУРОДОВ.**

ТАНИМАГАННИ СИЙЛАМАС ЭМИШЛАР

Кейинги вақтларда талабалик йилларимдаги бир воқеани тез-тез эслайман. Бир куни институтимизда ғазалнавис шоир Ҳабибий билан учрашув бўлиши ҳақида эълон пайдо бўлди. Биз қизиқиб кутган учрашув куни ҳам келди.

Учрашувни очган институт маъмуриятининг вакили залдагиларга Ҳабибий домлани таништириб, унга сўз берар экан:

— Ҳабибий домла институтимизга учрашувдан бир соат олдин келиб, бинонинг тўртта қаватини ҳам айланиб, факультетларнинг деворий газеталари билан танишиб чиқибдилар. Аммо шу бир соат давомида у кишига бирорта ҳам талаба салом бермабди. Жуда хунук иш бўлибди, талабалар! Танийсизларми, танимайсизларми, ёши улуғ кишига салом бермоқ фарз-ку! Мен ректорат ва талабаларнинг номидан Ҳабибий домладан узр сўрайман, — дедилар.

Шу кунларга келиб, бу воқеани тез-тез эслашимга сабаб, ўзим ҳам қариялар сафига ўта бошлаганим бўлса керак. Узоқ вақтлар илмий-тадқиқот институтида ишлаб, эндиликда университет ва коллежларда домлалик қила бошладим. Бу фаолиятимда мен қизиқ бир ҳолнинг гувоҳи бўла бошладим. Университет ёки коллежда мен дарс берадиган гуруҳ талабаларигина мени кўрганда салом беришадию, бошқа талабалар менга парво қилмай ўтаверадилар. Жамоат жойларида ҳам шу ҳол: нотаниш ёшлар менга парво қилмасликка жон-жаҳдлари билан тиришадилар. Кўп ҳолларда ёш қизалоқлар жамоат транспортларида қаттиқ-қаттиқ овоз билан бемалол ўзларининг шахсий ҳаётлари ҳақида суҳбатлашиб кетадилар. Улар учун гўё атрофда ҳеч ким йўқдек. Улар қандай таомларни ёқтиришларию, унга оила аъзоларининг қандай муносабатда бўлишларигача, қандай жойдан совчилар келаётгани, қандай жойдан келишларини хоҳлашларигача бемалол гапириб кетишар эди.

— Қизлар! Жамоат жойларида шахсий ҳаёт ва кечинмалар ҳақида бор овоз билан гаплашиш одобдан эмас! — дедим майинлик билан.

— Отахон, биз сиз билан гаплашмаяпмиз-ку! Қулоқ солманг-да! — деган дашномни эшитиб, уларнинг суҳбатини ихтиёрсиз эшитишга мажбур бўлдим.

Табиийки, бу ёшлар атрофдаги одамлар нотаниш бўлганлиги учун ўзларини шундай тутишарди. Уларнинг атрофида таниш отахонлар ёки қариндошлари бўлса, ўзларини шундай тутмас эдилар.

Мен юқорида тилга олган барча ёқимсиз ҳолларнинг замирида "Танимаганни сийламас", деган нақл ётишини ҳис қила бошладим. Ажабо, нима учун " Танимасни сийламас" лик керак экан?

Ирисали ХИДИРОВ

ЭЛОНЛАР

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида 2003 йил 13 июнда 341 рақами билан рўйхатдан ўтган (ОКПО — 19142607) "Imkon press" нодавлат нотижорат ташкилот тугатилади. Эътирозлар эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой муддат давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси — 38.

Утерянные угловой штамп и печать предприятия ООО "TON AUDIT" Яккасаройского района г.Ташкента считать недействительными.

Хусусий тадбиркор Исмоилжонов Бобир Иброҳимжонович номига Сергели тумани ҳокимиятининг 2002 йил 25 июндаги 597-сонли қарори билан берилган 0613885 рақамли патент, думалоқ муҳр, кирим-чиқим дафтари ва касса дафтари йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1996 йил 19 июнда Миргаипова Диларам Мирпулатовна номига берилган UZA-094524 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат O'R-B 076236 выданный Республиканским специализированном лицеем в 2003г. на имя Шамсиеву Тимуру Эркиновичу, считать недействительным.

ООО "AMANDA" Юнус Абадского района, г. Ташкента, (ИНН-2029249663, ОКПО-17382649, ОКОНХ-71500:) ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: улица Шахрисабзская, 1. телефон 135-32-41

Утерянный гос.ордер 05-02 10125 от 18.03.93 г. о праве собственности на квартиру выданный Зайнутдиновой Машкуре Тухтабоевне считать не действительным.

Тиниб-тинчимас, дарёдил дўстимиз, ҳамкасбимиз Шавкат Зулфиқоровни

ҚУТЛАЙМИЗ

қутлуғ 60 ёши билан табриклар эканмиз, унга соғлиқ, оилавий бахт, эл-юрт равнақи йўлидаги ишларида катта зафарлар тилаймиз.

Ҳамкасблари

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8447 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-625 Топширилди—21.00
1 2 3 4 5